



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (12.678)

Баҳоси эркин нарҳда

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан 2014 йил 16-18 июнь кунлари Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ ilk давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истикболга мўлжалланган устувор йўналишлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шериклики янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлики янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Жорий йил 16 июнь куні Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларга 1991 йил 30 декабрь куні асос солинган. Ўша куні Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини расман эътироф этган. 1992 йил 29 январдан эътиборан давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон — Жанубий Корея шериклиги тобора ўсувчанлиги билан ажралиб турдики, бугунги кунда ҳам бундай муносабатларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар йўналишларда равнақ топиши давом этаётди.

Турли соҳаларда биргаликдаги савб-ҳаракатларни тартибга солиб турадиган 300 дан зиёд ҳужжат икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини ташкил қилади.

Замонавий босқичда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишончга, очилиш ва ҳурматга асосланган, 2006 йили имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация руҳига мос фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда. Барча даражадаги, энг аввало, давлат раҳбарлари даражасида мавжуд бўлган мунтазам ташриф алмасувлари юқорида билдирилган

фикрни яққол тасдиқлайди.

Ўтган йиллар мобайнида икки мамлакат етакчиларининг 12 учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2012 йил сентябрда Жанубий Кореяга буюрган давлат ташрифи алоҳида эътиборга сазовордир. Мазкур ташриф чоғида 60 та ҳужжат имзоланди. Уларнинг 2 таси давлатлараро, 3 таси ҳукуматлараро характердаги, 7 таси эса идоралараро аҳамиятга молик халқаро шартномалар, шунингдек, 5 миллиард АҚШ доллари ҳажмига тенг сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги 48 та шартнома имзоландики, уларнинг 3 миллиард АҚШ долларида заиёди тўғрисида Жанубий Корея сармояларидир.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ислоҳ этилиши, ядро қуроли тарқатилмаслиги, минтақавий хавфсизликнинг таъминланиши, терроризм, диний экстремизм, геноцидлик моддаларининг нуқсоний айланишига қарши кураш ва бошқа минтақавий ҳамда халқаро сиёсий масалаларда ўхшаш ёки бир хил нуқтаи назарларга эгадир.

(Давоми 2-бетда)

2014 йил —
Соғлом бола
йили

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Тошкент Фотосуратлар уйида «Ўзбекистон — бахтли болалар мамлакати» деб номланган фотокўргазма очилди.



Отабек Мирсоатов (USA) қўлган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Кўргазма «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Ж.Миртожиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори М.Ҳазратқулов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларга пухта таълим бериш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Мамлакатимизда болалар ва ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, касб-хунар эгаллаши, саломатлигини мустаҳкамлаши борасидаги эзгу савб-ҳаракатлар жаҳон миқёсида ибрат олишга арзигулик модель сифатида эътироф этилмоқда.

«Ўзбекистон — бахтли болалар мамлакати» мавзусидаги фотокўргазмадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда болалар манфаатларини таъминлаш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳияти, бу йўналишдаги савб-ҳаракатларнинг натижалари ҳамда халқимизнинг бунёдкорлик ишларини ёритиб берадиган фотоматериалларни эълон қилишдан иборат.

Кўргазмадан ўрин олган фотоасарларда мамлакатимизда ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга кiritилган оламшумул ютуқлар, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол

авлодни вояга етказиш борасида кўрсатилаётган эътибор, ёшларимизнинг нуфузли фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, ижодий-интеллектуал танловларда эришган муваффақиятлари таъсирчан, айнаи дамда ўзига хос ижодий ёндашув асосида ёритиб берилган. Болалар спорти, мусиқа, тасвирий санъатни ривожлантириш, қад ростлаётган янги-янги спорт-соғломлаштириш мажмуалари, мактаблар, болалар ижодиёти марказлари, миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш, жамиятимизда кечаётган маънавий янгилаш жараёнлари акс эттирилган фотосуратларга ҳам кенг ўрин берилган.

Бу ерда Рустам Шарипов, Абдуғани Жумаев, Константин Минайченко, Сарвар Урмонов, Аъло Абдуллаев, Отабек Мирсоатов, Ёлқин Шамсиддинов, Жамшид Норқобилов, Фарҳод Абдурасулов, Мақсад Ҳабибуллаев, Ҳасан Пайдов каби фотоиҳодкорларнинг ишларидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ҳар қандай ижодкорнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотади, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Бадий академияси илмий котиби Абдумажид Мадрайимов. — Мазкур фотокўргазмада томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилган суратларни ҳам ана шу ҳайрат ва ҳаваснинг, шу билан бирга, бугунги саодатли кунларимизга шукроналикнинг инъикоси дейиш мумкин.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ушбу фотокўргазма Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда намойиш этилади.

Назокат УСМОНОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасидаги тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таникли ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, театр ва кино актёрлари, халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида муваффақият қозongan ёшлар қатнашди.

● Янгибозор туманидаги «Анвар-Дилдора» фермер хўжалиги таркибида гишт заводи қуриб битказилди. Йилига 3 миллион дона гишт тайёрлаш қувватига эга заводда 8 та иш ўрни яратишга эришилди. Шунингдек, бу ерда Самарқанддаги «Кинап» заводидан меваларни қури-тувчи замонавий технологик линия келтирилиб, ўрнатилди.

● Наманган вилоятининг Поп туманидаги Чодак қишлоғида «Ўзбекистон — хур диёр» деб номланган фестивал бўлиб ўтди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Поп тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Сирдарё вилояти давлат архивининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Жиззах шаҳрида «Наврўзбулоқ» болалар истироҳат боғи ўз фаолиятини бошлади. Сўлим гўша бағридаги мўъжаз боғда кичкинтойлар учун турли аттракционлар ўрнати-либ, махсус спорт майдончалари барпо этилди. Шунингдек, боғ ҳудудида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади.

ЖАҲОНДА

● Тинч океанининг Мексика қирғоқлари ҳудудида Кристина тўфонининг яқинлашиб келиши муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Тўфон кўпроқ Халлсон, Мичоакан ва Герреро штатлари аҳолисига хавф туғдирмоқда. Маҳаллий маъмурлар тўфон билан бирга жала қуйиши кучли сув тошқинларини келтириб чиқариши мумкинлигидан огоҳлантирилмоқдалар.

● Германиянинг гарбий қисмида рўй берган кучли бўрон олти кишининг умрига зомин бўлди. Чунончи, Дюссельдорфда улкан дарахтнинг кишилар бўрон ва ёмғирдан панада турган чорбоғли уйга кулаб тушиши натижасида уч киши ҳалок бўлди, яна уч киши турли даражадаги тан жароҳатини олди. Кёльнда дарахтнинг 50 ёшлик велосипед ҳайдаб кетаётган кишининг устига кулаши натижасида ҳам бахтсиз ҳодиса рўй берди.

ЕНГИЛ САНОАТ ЮКСАЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида экспорт сиёсатини такомиллаштириш, енгил саноат корхоналарининг техника ва технологияларини янгилаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз енгил ва тўқимачилик саноати юқори даражада жиҳозланган кўп тармоқли йирик саноат комплексини ташкил қилади. Бу ерда пахта толаси, ип-калава, газлама, пайпоқ буюмлар, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори сўнгги йилларда тармоқни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастур доирасида янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, жумладан, интеграциялаш-

ган тўқимачилик комплекслари ташкил этилаётди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, кейинги уч йилда соҳада киймати 500 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси жалб қилинган ҳолда, 108 инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. «Индорама Кўкон текстиль» хорижий корхонаси, «Узтекс Шовот», «Жиззах Пластикс» қўшма корхоналари ва бошқа кўплаб корхоналар булар орасида энг йирикларидир.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартда қабул қилинган «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва

технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ енгил саноат корхоналарида ўрнатилган ускуналарни техник аудитдан ўтказиш бўйича ҳам кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, соҳадаги 64 йирик корхона техник аудит рўйхатида киритилди. Уларнинг технологик ҳолатини ўрганиш якунларига кўра, асбоб-ускуналарнинг 90 фоиздан ортиғи фойдаланишга яроқли деб топилди. Қолган техникалар замонавий ускуналарга алмаштирилди ва бунинг учун 13 миллион доллар сарфланди.

Матбуот анжуманида енгил саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажми йилдан йилга ортиб, маҳсулотлар сотиладиган бозорлар сони тобора кўпайиб бораётгани таъкидланди. Жумладан, 2010-2013 йилларда экспорт қилинадиган товарлар 21 турдан 27 турга, импорт қилувчи мамлакатлар сони 43 дан 50 тага кўпайди. Шунингдек, ўз маҳсулотини экспорт қиладиган корхоналар сони 250 тага етди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ташки ва ички бозорда талаб юқори бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, жойларда янги ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этади.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ
РЕСПУБЛИКАСИ:СТРАТЕГИК
ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ
ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасида парламентларо ҳамкорлик йўлга қўйилган ва у фаол ривожланмоқда. 1995 йили Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида парламентнинг «Корея — Ўзбекистон» Дўстлик ассоциацияси тузилди. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи таъсис этилди. 2012 йил январидан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси спикери Пак Хи Тэ Ўзбекистонга ташир буюрди.

1995 йилдан бунён икки мамлакат ташқи сийосат маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда сийосий маслаҳатлашувлар ўтказилапти. Унинг сўнгги йиғилиши 2014 йил апрел ойида Сеулда бўлиб ўтди. Корея Республикасига сафар чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари ҳамкорлик бўйича Корея Республикаси — Марказий Осиё» форумининг саккизинчи йиғилишида ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон — Жанубий Корея иқтисодий муносабатлари кундан-кунга ривожланиб бораётди. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 1992 йили имзоланган Савдо битимига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида ўта қўлай шарт-шароит муҳитини яратиб бериш тартиби ўрнатилган.

2013 йил якунига қўра, икки томонлама товар айланиши 2,12 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан экспорт маҳсулотларининг мажмуи озиқ-овқат товарлари, машина ва ускуналар, азот ўғитлари, кимё маҳсулотлари, транспорт, коммуникация ва саноат хизматларида иборатдир. Мамлакатимизга эса Жанубий Кореядан транспорт воситалари, электр ва механика асбоб-ускуналари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, қора металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига Корея Республикасидан жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми 6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Республикада Жанубий Кореянинг «KOGAS», «STX», «HONAM Petrochemical Corporation», «Shindong Resources Co.Ltd.», «Textile Technologies Group» сингари компаниялари билан бериладиган «Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш», «Саутбой қонини ишга тушириш», «Тошкент вилоятида тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш» ва бошқа йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокдаги 412 та корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 68 таси юз фоиз хориж сармояси асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар фаолияти саноатнинг қазилма, металлургия, кимё, озиқ-овқат сингари жабҳалари, савдо-сотиқ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Жанубий Корея компанияларининг 81 вокалатхонаси аккредитациядан ўтган.

Корея Эксимбанкнинг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) ҳамда Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) воситасида Корея Республикаси ҳукуматининг молиявий-техникавий кўмаги доираси-

даги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Республикада EDCF жамғармасининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари жалб этилиши билан телекоммуникация, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида умумий қиймати қарийб 115 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 4 та сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

1995 — 2013 йиллар мобайнида KOICA фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикасига ажратилган бераз ёрдам маблағининг умумий ҳажми 55 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 4 та сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Утган йилнинг декабрида Тошкентда 2013 йилдан бошлаб умумий қиймати 20 миллион АҚШ доллари тенг тўртта грант лойиҳасини амалга ошириш юзасидан Ҳукуматлараро доиравий келишув имзоланди. KOICAнинг техникавий ёрдами доирасида Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг 1400 нафардан зиёд вакиллари Корея Республикасига амалиёт ўтаб қайтди. 2012 йили Ўзбекистон — Корея Касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилиб, мазкур муассасада ҳар йили 360 киши турли йўналишлар бўйича бепул таълим олмақда.

Мадавий-гуманитар ва таълим соҳаларида ҳам сермахсул ҳамкорлик олиб борилмоқда. 1992 йилдан бунён Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Корея таълим маркази танлов асосида Корея Республикасига тил бўйича билимларни мустаҳкамлаш ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабалари учун ушбу мамлакатда малака ошириш курсларини ташкил этиб келаётди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд давлат жаҳон тиллари институтида Корея тили ва маданияти марказлари фаолият кўрсатапти. Мамлакатимиз пойтахтида Инха университетининг ташкил этилиши бу йўналишдаги муҳим воқеа бўлди. Янги ўқув муассасасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро мезонлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Тошкент шаҳридаги Инха университети ўзининг илк талабаларини жорий йилнинг 1 октябидан бошлаб қабул қилишни режалаштирмоқда.

Мунтазам равишда ўзаро бадий кўргазмалар ва суратлар кўргазмалари ўтказилаётди, концертлар ташкил этилапти, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари турли маданий тадбирларда қатнашмоқдалар. Муниципал даражада яқин алоқалар ўрнатилган бўлиб, уларнинг доирасида Тошкент ва Сеул, Фарғона ҳамда Ёнгин, Наманган ва Соннам, Самарқанд ҳамда Кёнжу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Кёнсан-Пукто провинцияси ўртасида ҳамкорлик юзасидан келишувлар имзоланган.

Хулоса сифатида шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Корея Республикаси Президентини Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга буюражак давлат таширифи Ўзбекистон — Жанубий Корея стратегик шериклигининг мантиқий давоми бўлгани ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА



Ёлтин Шамсиддинов (ЎАА) олган сурат

Анжуманлар

ТАДБИРКОР АЁЛ — ЮРТГА
МАДАДКОР

Мамлакатимизда Ватан тараққиёти, элу юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш мақсадида ишбилармон қўл урган, имкониятларини синаб кўришга бел боғлаган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса турли жабҳаларда фаоллик кўрсатиб, яхши натижаларга эришаётган, интилаётган, изланаётган аёл тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар уларга янада куч-ғайрат бағишламоқда.

Республика Марказий банки томонидан Миллий матбуот марказида «Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам юқоридаги мавзу доирасида фикр юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, тижорат банклари ҳамда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш Марказий банкнинг ҳам доимий диққат марказида, — деди жумладан тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори Азамат Қосимов. — Кейинги вақтларда хотин-қизларнинг иқтисодий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар, қўлайлик ва шарт-шароитлар яратилаётгани, айниқса, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашда банкларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланиш, айниқса тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларнинг банклардан микрокредитлар олишларига мустаҳкам замин яратди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўзаро ҳамкорликда чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқди. Унга биноан хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг барча шакллари ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш, аёллар раҳбарлигидаги корхоналарга инвестициялар жалб этиш, хорижий тажрибалар билан таништириш ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари ёвазига тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Утган 10 йил давомида республикада тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини

кредитлаш ҳажми 30 баробардан зиёдга ўсди. Аниқроқ қилиб айтганда бўлса, Президентимизнинг юқоридаги Фармони қабул қилингандан бунён тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Ушбу рақам мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамлиги, тижорат банкларининг имконият доираси кенгайиб бориши билан аёлларнинг турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилаётгани, шу билан бир қаторда аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этилаётганидан далolat, албатта. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли гушалари, юзлаб маҳаллалар, турар жой мазееларида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, савдо дўконлари, болалар майдончалари, дам олиш масканлари, гўзаллик салонларининг қурилиб, иш бошлаши тадбиркор аёлларнинг банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланаётганиларини кўрсатмоқда.

Бунда албатта банклар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик бизнес-режаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббускор аёллар ўртасида танловлар ташкил этилиши, уларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ва юртиш масалаларида ахборот, таълим ва консалтинг хизматларининг йўлга қўйилиши катта имконият бермоқда.

Жорий Соғлом бола йилида ҳам айнан аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан 600 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Банклар томонидан бериладиган ушбу маблағ замонавий маийий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига аёлларнинг уй-рўзгор ишларини энгиллаштириш ва техникаларни харид қилиш, олис қишлоқларда ҳам гўзаллик салонлари, ателье, маийий техника воситаларини таъмирлайдиган намунавий асосда маийий хизмат кўрсатиш комплексларини барпо этиш каби лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, амалга оширилаётган барча хайрли ишлар замирида она юртимизни обод қилиш, халқимизнинг эркин ва фаровон яшашига шарт-шароит яратишда эзгу мақсад мужассам. Бунинг учун аввало хотин-қизларнинг, хондонимизни бекаси бўлган опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, оғирини энгил қилишга эришишимиз лозим.

Шоира МУХАМЕДОВА

Ёшларга оид давлат
сийосати — амалдаЁШЛАР — СОҒЛОМ
АХБОРОТ. МУҲИТИ
ТАРАФДОРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислохотлар негизда жисмонан ва маънан соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсади мужассам.

Ҳаёт суръатлари беқийс даражада тезлашган, ахборот алмашишуви замон ва макон чегараларини тан олмаётган XXI асрда ёшлар тарбиясига доир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Бугун кишиларни маънавий тубанлик домига тортиш, тарихий илдизларидан айрилиш, лоқайдлик ботқоқига фарқ қилишга қаратилган ғоявий ҳуружлар ҳар қачонгидан кунайган.

Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлаганидек, бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллининг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёт тарзи жиддий ҳавф остида қолаётганини қўзғатиш мумкин.

Демак, ёшларда ахборот майдонида кечаётган жанрларда миллий ўзлиқни муҳофаза қилиш кўнималарини янада қучатириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, бу йўлда мавжуд ресурсларни қўлайтириш, ёш веб-истирочиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик, амалга оширилаётган бир қатор ижтимоий лойиҳалар бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳаракатимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган «Камолот» да меҳмонда» мавзусидаги он-лайн мулоқотлар, «Йилнинг энг фалол сийосати» кўрик-танлови, «Оммавий таъхидлар ва ёшлар маънавияти», «Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, тибхандлик касалликларининг олдини олиш», «Ёшлар — чекишга қарши!» сингари қатор лойиҳалар фарзандларимизни ўзаро жипслаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашга қаратилган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммадхонова. — Веб-сайт яратувчилар иштирокида анъанавий тарзда ўтказилаётган «МТ.uz» миллий интернет-танлови ҳам худди шу мақсад йўлидаги амалий ишлардандир. Ушбу лойиҳа ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, ахборот маконида ҳар томонлама фойдали, миллий рўҳдаги сайтларни қўлайтириш, йигит-қизларда ватанпарварлик туйғуларини қучатириш, уларни эзгу ғоялар йўлида бирлаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Лойиҳадан қўзланган мақсад танловга тақдим этилган сайтлар мазмунига қўйилган талаблар ҳам намоён. Жумладан, электрон тизимлар контенти ёшлар аудиторисининг талаб ва қизиқишларига мос келиши, уларнинг билим ва дунёқарашини оширишга қаратилиши, ахборот олиш маданияти ҳамда ундан хавфсиз фойдаланиш кўнималарини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Сайтдаги маълумотларнинг аксарияти ўғил-қизлар учун мўлжалланиши, доимий равишда янги материаллар билан бойитиб борилиши, интернетроқ руқналар мунтазам янгилана турлиши зарур.

Шу каби мезонларга жавоб берган ижодий ишлар «Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлари акс этган энг яхши сайт», «Соғлом бола йили мазмунига доир энг яхши сайт», «Ёшлар иштирокида Ўзбек мумтоз шеърини ва адабиётини кенг тарғиб этган энг яхши ролик», «Энг яхши тахлилий сайт», «Энг яхши янгиликлар сайти», «Энг яхши фотожазмалари», «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти акс этган энг яхши сайт», «Ўзбекистоннинг саноатий салоҳияти акс этган энг яхши сайт» каби номинациялар бўйича баҳоланади.

Танловни тарғиб қилиш ва ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида ҳар бир номинация учун алоҳида видеоролик ҳамда таълим муассасаларига етказиш учун плакатлар туркуми тайёрланди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдида жойларда уюштирилаётган ёшлар фестиваллари доирасида «Биз — соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!» шиори остида миллий интернет-танловининг тарғибот акциялари ўтказилаётди. www.facebook.com ижтимоий тармоғида махсус саноат ташкил этилиб, ёшларнинг танлов ҳақида ўзаро фикр алмашишига имкон яратилган.

Йигит-қизларни излашни ва ташаббускорликка ундаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Утган йили лойиҳада минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашган бўлса, бу йил танловда иштирок этиш учун www.mtl.uz сайтининг электрон манзили орқали ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги ҳудудий кенгашилари томонидан қабул қилинган аризалар сонинингдан ошди.

Kitob.uz сайти ўтган йили танловнинг «Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлари акс этган энг яхши сайт» номинацияси ғолиби бўлган эди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур сайт китобхонлик тарғиботи борасида ўзига ҳок мавқега эга бўлишга улгурди. Унинг базасида икки мингдан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиёти, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, илмий асарлар, мақолалар, умумтаълим мактаблари учун нашр этилган дарсликларнинг электрон вариантлари жамланган.

— Танлов ғолиби бўлганимиз жамоамиз масъулиятини янада ошириш, — дейди ЎАА муҳбирига Республика болалар кутубхонаси бўлим бошлиғи Мастура Алимова. — Kitob.uz сайти орқали фойдаланувчиларни ортиқмаддан маданий-маърифий ҳаётига доир энг сўнгги янгиликлардан тезкор хабардор қилишга, айниқса, ёшларни билим ва маънавиятни бойитиладиган турли форумлар, ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар иштирокидаги он-лайн мулоқотларга жалб этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу тенгдошларимизнинг ижтимоий-сийсий фаоллиги ва фуқаролик позициясини янада қучатиришга хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олаётганини, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-қирмаб, уни ўқима, бунини кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддоаларимизга ҳам тўғри келмаслигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўз келажагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда ўз ўрнига, сўзига, ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган халқ ҳамisha фарзандларининг маънавияти юксак, руҳи пок, эътиқоди бутун, иродаси бақувват бўлиши учун курашади. Уларни турли маънавий тахидиллар, «оммавий маданият» таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Соғлом ғоялар тарғиботи билан қўллаб-йигит-қизлар қалбидан чуккур жой олаётган, он-лайн оламида ўз ўрнини топиб бораётган анъанавий «МТ.uz» миллий интернет-танлови мамлакатимизда худди шу эзгу мақсад йўлида олиб борилаётган ишларнинг амалий намуналаридан биридир.

Дилшод КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини тубдан такомиллаштирди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга қиритганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТИЗИМИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Жорий йил 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун асосида ана шу қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида акс эттирилди. Унга биноан, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга қиритиш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жаримага тортилади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг масъул ходимлари иштирокида ташкил этилган анжуманда қонунчиликдаги ана шундай янгиликлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Нодиржон Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асоси — миллий қонунчилик тизимини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сийсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлиши изчил таъминланаётди. Бу, ўз навбатида, мам-

лакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга замин яратмоқда.

Маълумки, давлат рўйхатидан ўтказилмаган, умуммажбурий нормаларни ўз ичига олган идоравий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши фуқаролар ва ташкилотларнинг, хусусан, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва боноратларини ҳуқуқга путур етказди. Ўз навбатида бу қонунрақатик тўсиқлар пайдо бўлишига, қонун ҳужжатларида белгиланмаган рухсат бериш тартибларининг амал қилишига, ноқонуний мажбуриятлар юзга келишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар бўлса-да, умуммажбурий тўсиқлар қўрсатмалар мавжуд бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда ихрога қаратиш ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текширишлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг муҳофазатлари урганиш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 45 та ана шундай ҳужжат мавжудлиги аниқланиб, уларни бекор қилиш ва ихродан қақириб олиш чоралари қўрилди.

Бундай ҳолатларга барҳам беришда қонунчиликка, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган меъерлар муҳим аҳамият касб этди.

